

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Ғ.01.05 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АБДУАЗИМОВ ОҚИЛЖОН УТКУРОВИЧ**

**АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТДА ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ  
МОНИТОРИНГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ОММАВИЙ  
КОММУНИКАЦИЯЛАР СОЦИОЛОГИЯСИНИНГ ЎРНИ  
(Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларининг  
2001 – 2016 йиллардаги материаллари мисолида)**

**10.00.09 – Журналистика**

**СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2017**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**

**Content of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract**

**Абдуазимов Оқилжон Уткурович**

Ахборотлашган жамиятда жамоатчилик фикри мониторингини таъминлашда оммавий коммуникациялар социологиясининг ўрни (Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларининг 2001 – 2016 йиллардаги материаллари мисолида)..... 3

**Абдуазимов Оқилжон Уткурович**

Роль социологии массовых коммуникаций в обеспечении мониторинга общественного мнения в информационном обществе (на примере материалов средств массовой информации Узбекистана 2001 – 2016 гг.)..... 29

**Abduazimov Oqiljon Utkurovich**

The role of sociology mass communication in ensuring monitoring of public opinion in information society (on example of materials mass-media of Uzbekistan 2001 – 2016 y.)..... 55

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 59

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Ғ.01.05 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АБДУАЗИМОВ ОҚИЛЖОН УТКУРОВИЧ**

**АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТДА ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ  
МОНИТОРИНГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ОММАВИЙ  
КОММУНИКАЦИЯЛАР СОЦИОЛОГИЯСИНИНГ ЎРНИ  
(Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларининг  
2001 – 2016 йиллардаги материаллари мисолида)**

**10.00.09 – Журналистика**

**СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2017**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1DSc/Sots1 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда [ўзбек, рус, инглиз (резюме)] Илмий кенгаш веб-саҳифаси (ik-falsafa@nuu.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Бекмуродов Мансур Бобомуродович**  
социология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Саидов Акмал Холматович**  
юримдик фанлар доктори, профессор

**Умаров Абсалом Адилевич**  
социология фанлари доктори, профессор

**Худойкулов Мухтор**  
филология фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Самарқанд давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.F.01.05 рақамли илмий кенгаш асосида бир марталик Илмий кенгашнинг 2017 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси, 1-қават, 117-хона.Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz)

Докторлик (Doctor of Science) диссертацияси билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. ( \_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎзМУ Маъмурий биноси, 2-қават, 4-хона. Тел.: (99871) 236-46-55; факс: (99871) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2017 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2017 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси.)

**М.А.Нурматова,**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгаш раиси, ф.ф.д., профессор

**О.Д.Нишанова,**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, ф.ф.д.

**А.А.Умаров,**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, соц.ф.д., проф.

## КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** XXI аср – инсониятнинг ахборотлашган жамият, деб эътироф этилган янги даврга ўтиши билан дунёда глобаллашув жараёни тобора чуқурлашиб, ахборот соҳасига талаб ниҳоятда ортиб бормоқда. Бунда ўзаро чексиз ахборот алмашишнинг кенгайиши, ижтимоий-маданий интеграциялашувнинг чуқурлашиши ва интенсифлашиши ҳолатида жамоатчиликни бузғунчи ғоя, вайронкор мафкуралардан сақлаш долзарб муаммолардан бирига айланмоқда. Дунёнинг ривожланган мамлакатларида жамоатчилик фикрини шакллантиришда оммавий ахборот воситалари (ОАВ) таъсирини тизимли ўрганиш долзарб масалалардан бирига айланган. Шу боис ОАВга оид назарий йўналишлар, унинг категория ва атрибутларини таснифлаш, жамоатчилик фикри мониторингини таъминлашни социологик жиҳатдан такомиллаштиришга бўлган зарурат янада ошиб бормоқда.

Мамлакатимизнинг мустақилликка эришиши натижасида ОАВ босқич-ма-босқич ривожланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 67-моддасида: «Оммавий ахборот воситалари эркиндирлар ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар. Цензурага йўл қўйилмайди»<sup>1</sup> деб белгилаб қўйилди. Давлатимиз томонидан ахборот соҳасида изчил ислоҳотлар амалга оширилиб, ОАВнинг халқаро талаблар асосида тадрижий ривожланиши таъминланди. 1991 йилда Ўзбекистонда 395 та ОАВ фаолият олиб борган бўлса, мустақиллик йилларида уларнинг сони 1417 та (688 та газета, 294 та журнал, 15 та бюллетень, 35 та ТВ, 66 та радио, 315 та веб-сайт, 4 та ахборот агентлиги)га етди. Яъни 1991 йилдан буён ОАВ сони 3,6 маротаба ошиб, тахририятларнинг ўсиш динамикаси кузатилди<sup>2</sup>. Маълумотларга кўра, 1995 йилда дунё аҳолисининг Интернетдан фойдаланувчилари сони 16 миллион (0,4%)ни ташкил этган бўлса, эндиликда уларнинг сони 3 млрд. 611 миллион (49,2%) дан ошиб кетган<sup>3</sup>. Ҳозирда Ўзбекистон Интернетдан фойдаланиш бўйича Осиёдаги 35 та давлат орасида 11-ўринда, Марказий Осиёда эса 1-ўринда<sup>4</sup>, дунёдаги икки юздан ортиқ давлатлар ичида 37-ўринда<sup>5</sup> туради. Мамлакатимизда «давлат хизматлари сифати ва самарасини ошириш, жамоатчилик назорати механизмларини амалда татбиқ этиш, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ролини кучайтириш»<sup>6</sup> устувор стратегик йўналиш сифатида белгиланаётган бир шароитда ахборотлашган жамиятда жамоатчилик фикри мониторингини таъминлаш, оммавий коммуникацияларни тизимли назарий-эмпирик тадқиқ этиш ҳам илмий, ҳам амалий жиҳатдан долзарб ҳисобланади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Тошкент: Ўзбекистон, 2016. –Б. 22.

<sup>2</sup> Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги расмий сайти маълумоти: [www.uzapi.gov.uz](http://www.uzapi.gov.uz)

<sup>3</sup> <http://www.internetworldstats.com/emarketing.htm>

<sup>4</sup> <http://www.internetworldstats.com/stats3.htm>

<sup>5</sup> [http://index.uz/2016/07/26/uzbekistan\\_zanimaet\\_37\\_mesto\\_v\\_mire\\_po\\_chislu\\_internet\\_polzovateley](http://index.uz/2016/07/26/uzbekistan_zanimaet_37_mesto_v_mire_po_chislu_internet_polzovateley)

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони./Халқ сўзи, 2017. 8 февраль. –№28 (6722).

XX аср охирига келиб, Европа иттифоқи комиссияси томонидан «Ахборотлашган жамият куришнинг Европача йўли» (1994 й.), «Ахборотлашган жамият сари Финляндия йўли» (1995 й.), «Германиянинг ахборотлашган жамият сари ривожланиши» (1996 й.) дастурлари ишлаб чиқилди. 2000 йил 22 июлда «Катта саккизлик» учрашуви (Окинава)да «Глобал ахборотлашган жамият Хартияси» қабул қилиниб, ўша йили БМТнинг Мингйиллик саммитида эътироф этилди. Сўнгра, ахборотлашган жамият муаммоларини ЮНЕСКО томонидан назарий жиҳатдан ўрганиш бошланди<sup>1</sup>.

Ушбу тадқиқот Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майдаги «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида» ПФ-3080-сон фармони, 2002 йил 3 июлдаги «Матбуот ва ахборот соҳасида бошқарувни такомиллаштириш тўғрисида» ПФ-3103-сон фармони, Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 5 майдаги «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги қонуни, 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон фармони ҳамда мавзуга оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг давлат илмий-техника дастури I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.** Ахборотлашган жамиятда жамоатчилик фикри мониторингини таъминлашга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва таълим муассасаларида, жумладан, University of Illinois (АҚШ); Institut of Gallup (АҚШ); Canadian Communication Association (Канада); Media, Communications and Cultural Studies Association (Англия); Institut für Demoskopie Allensbach (Германия); Всероссийский центр изучения общественного мнения (Россия); University of Yomiuri (Япония)да олиб борилмоқда.

Тадқиқот натижасида, жумладан, жамоатчилик фикрини ўрганишда ОАВ фаоллигига ёки таъсирига алоҳида эътибор берилиб, қуйидаги илмий натижалар олинган: оммавий коммуникацияларга оид матбуотнинг тўрт назарияси (University of Illinois, АҚШ); жамоатчилик фикрини ўрганишда сайловолди жараёнлар ташвиқоти ва инсон омилини тадқиқ этишда сўровноманинг модификациялаштирилган шакли ишлаб чиқилган (Institut of Gallup,

<sup>1</sup> Состояние исследований по проблем информационного общества. –СПб., ЮНЕСКО. 2004; Наука в информационном обществе. –М., ЮНЕСКО. 2004; Мониторинг информационного общества и обществ знаний. –СПб., ЮНЕСКО. 2004; Этика и права человека в информационном обществе. –М., ЮНЕСКО. 2007; Всемирный саммит по информационному обществу. –М., ЮНЕСКО. 2007.

<sup>2</sup> <http://knigi.link>; <http://www.intercultural.ru/component/content/article/1-cat1/15-associations>; <http://www.meccsa.org.uk>; <http://emigration.russie.ru/information/sociallife/massmediaandpublicopinion.htm>; <http://www.lomonosovfund.ru/enc/ru/encyclopedia>; <http://emag.iis.ru/arc/infosoc/emag.nsf>; <http://msk.treko.ru/show dict 471>.

АҚШ); журналистика, оммавий коммуникациялар ва бошқа коммуникатив жараёнлар сифатини оширишга қаратилган механизм ишлаб чиқилган (Canadian Communication Association, Канада); маданий алоқаларда ОАВ, Интернет ва бошқа коммуникациялар орқали жамоатчилик фикрини ўрганишнинг турли усуллари яратилган (Media, Communications and Cultural Studies Association, Англия); медиа, маркетинг ва ижтимоий тадқиқотлар орқали ОАВ ва унинг аудиторияга самарали таъсир этиш хусусиятлари очиб берилган (Institut für Demoskopie Allensbach, Германия); жамоатчилик фикрини шакллантиришда ОАВнинг ролини ошириш, ўзаро қайтма алоқаларни мустаҳкамлашга бўлган услубий ёндашув такомиллаштирилган (ВЦИОМ, Россия); ахборотлашган жамиятда технология ва билим жамоатчилик фикри мониторингини таъминлашда бирламчи восита эканлиги асосланган (University of Yomiuri, Япония).

Дунёда жамоатчилик фикри мониторингини таъминлаш бўйича ахборотлашган жамиятда оммавий коммуникациялар генезиси, эволюцияси ва трансформациялашув жараёнларини очиб бериш; ОАВнинг жамоатчилик билан ўзаро қайтма алоқаларини ўрганиш; жамоатчилик фикрини шакллантириш ва жамоатчилик назоратини такомиллаштиришда ўзаро диалектик боғлиқлик муаммолари, маданий глобаллашувдаги миллий ва умуминсоний омилларнинг уйғунлашуви каби устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Халқимизнинг буюк мутафаккирлари Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий ва бошқа алломалар асарларида ўз даврига хос бўлган давлат ва жамият бошқарувида ижтимоий коммуникациялардан фойдаланиш орқали жамоатчилик фикрини шакллантиришда халқ фикрини ўрганишнинг позитив жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилган.

Ғарбий Европада XIX аср ўрталаридан бошлаб жамиятни «тирик организм» сифатида социологик усуллар орқали тадқиқ этиш урф бўлган. Огюст Конт жамоатчиликни ахборотлаштиришда позитивизм нуқтаи назаридан ёндашиш заруратини асослаган<sup>1</sup>. Кейинчалик америкалик социолог Д.Белл томонидан ишлаб чиққан инсоннинг технократик ривожланиш ғояси ахборотлашган жамият назариясида муҳим босқич бўлди. У.Липпман оммавий коммуникациялар жамиятнинг бошқарувида кучли таъсир кўрсатишини, жамоатчилик фикрини шакллантиришда ОАВ муҳим роль ўйнашини қайд этган<sup>2</sup>. Япон олими Ё.Масуда ахборотнинг нафақат кўплиги, балки уни мазмунан англаш ва унга таяниш жамоатчилик фикрини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этишини исботлади. Г.Маклюэн «воситалар назарияси»да ахборотни фикрни ўзгартирувчилик хусусиятига урғу бериб, ахборотлашган жамиятда электрон коммуникация ғалабаси шахснинг интеллектуал қобиляти ва ижодий салоҳиятини оширувчи восита,

<sup>1</sup> Конт О. Дух позитивной философии. –СПб., 1910. –С. 35.

<sup>2</sup> Bell D. The Social Framework of the Information Society. –Oxford, 1980; Lippmann W. Public opinion. –New York, Macmillan. 1922. –pp. 59.

деб ҳисоблайди. Э.Тоффлер инсоният тараққиётининг «учинчи тўлқини» фақат ахборот орқали амалга ошишини концептуал жиҳатдан асослаб берган<sup>1</sup>.

XX аср ўрталарида америкалик олимлар Ф.Сиберт, У.Шрамм, Т.Питерсонлар томонидан АҚШ, Англия ва собиқ СССР матбуотига асосланиб «Матбуотнинг тўрт назарияси» («Авторитар матбуот назарияси», «Либертариан матбуот назарияси», «Матбуотнинг ижтимоий масъулият назарияси», «Совет коммунистик матбуоти назарияси») ишлаб чиқилди<sup>2</sup>.

Рус олимлари, жумладан, Я.Засурский «Оммавий коммуникациялар жаҳон фанида мутлақо янги илмий йўналишни келтириб чиқарди» деб ҳисоблайди, Е.Прохоров журналистика социологиясини яхлит тузилма сифатида тадқиқ этган бўлса, Г.Почепцов ахборотлашган жамиятда ОАВ такомиллашувига «янги коммуникатив макон» сифатида ёндашган, А.Киселев ахборотлашган жамиятнинг коммуникациялар тараққиёти билан боғлиқлигини ўрганган. С.Корконосенко ўз тадқиқотида «Журналистика – бу коммуникациядир»<sup>3</sup> деб хулоса қилган.

Ўзбекистонда оммавий коммуникациялар ва жамоатчилик фикрини шакллантиришнинг социологик масалаларини М.Бекмуродов, М.Ганиева, А.Умаров, А.Холбеков<sup>4</sup> ва бошқалар; журналистикани филология жиҳатдан М.Худойкулов, Ф.Мўминов, П.Мўминова, Х.Дўстмухаммедов, Я.Маматова<sup>5</sup> ва бошқалар, журналистикани тарих фани кесимида К.Норматов, Н.Абдуазизова, Қ.Ирназаров<sup>6</sup> ҳамда фаннинг турли соҳаларида Н.Жўраев, А.Азизхўжаев, М.Қурононов, А.Мўминов ва бошқа олимлар<sup>7</sup> ўрганишган.

<sup>1</sup> Masuda Y. Information Society as Postindustrial Society. –Washington: World Future Soc., 1983. –pp. 29; Маклюэн Г.М. Коммуникационная революция. –М.: Наука, 2000. –С. 75; Тоффлер Э. Третья волна. –М.: Издательство АСТ, 1999.

<sup>2</sup> Сиберт Ф.С., Шрамм У., Питерсон Т. Четыре теории прессы. /Пер. с англ. М.Полевая. –М.: Вагриус, 1998. –С. 224.

<sup>3</sup> Засурский Я.Н. Социологические аспекты журналистской науки.// Вестник Московского университета. Серия 10. Журналистика. 2006. –№ 1. –С. 5; Социология журналистики. /Под общей ред. Е.П.Прохорова. – М.: МГУ, 1981; Почепцов Г. Теория и практика коммуникации. –М.: Центр, 1998. –С. 8; Киселев А.С. Роль нарождающегося информационного общества в развитии мировой цивилизации. –М., 2005. –С.81; Корконосенко С. Основы журналистики. –М.: Аспект Пресс, –С.281.

<sup>4</sup> Бекмуродов М.Б. Ўзбекистонда жамоатчилик фикри. –Т.: Фан, 1999; Ганиева М.Х. Общественное мнение как фактор развития межнациональных отношений в Узбекистане. –Тошкент: Университет, 2006, –С. 168; Умаров А.А. Ижтимоий-маданий тараққиётни таъминлаш ва комил инсон шахсини шакллантиришда мутолаанинг роли. Соц. фан. док... дис. автореф. –Тошкент: 2005. –Б. 55; Холбеков А.Ж. ва б. Ижтимоий адолат ва демократия: барқарор тараққиёт йўлида. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2004, –Б. 186.

<sup>5</sup> Худойкулов М. Журналистика ва публицистика. –Тошкент: Tafakkur, 2011; Мўминов Ф. Журналистика ижтимоий институт сифатида. –Тошкент: ТошДУ, 1998; Дўстмухаммедов Х.Н. Ахборот – мўъжиза, жозоба, фалсафа. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2013. –Б. 320; Муминова П.И. Современная международная журналистика: тенденции, проблемы и перспективы (концептуально-функциональный анализ). Автореф. дис... д-ра филол. наук. –Ташкент, 2002; Маматова Я.М. Периодическая печать Узбекистана: трансформация системы, тенденции и проблемы функционирования (на материалах за 1991–2010 г.г.). Автореф. дис... д-ра филол. наук. –Ташкент, 2011, –С. 45.

<sup>6</sup> Норматов К. Миллий давлатчилик ҳақида. –Тошкент: Ёзувчи, 1998; Абдуазизова Н.А. Матбуот ва сўз эркинлиги – олий қадрият. –Тошкент: Akademiya, 2006. –Б. 136; Ирназаров К.Т. Ҳозирги замон журналистикаси. –Тошкент: Aloqachi, 2008.

<sup>7</sup> Жўраев Н. Тарих фалсафаси. –Т.: Ўзбекистон, 2009; Азизхўжаев А., Умарова Н., Қўчқоров Р. Глобаллашув ва ахборотлашган жамият муаммолари. –Тошкент: Akademiya, 2011. –Б. 96; Қурононов М. «Минг кўзли девор» ёки фаол ижтимоий фикрнинг имкониятлари тўғрисида. /Ўзбекистонда жамоатчилик фикрини ўрганиш ва шакллантиришнинг долзарб муаммолари. –Тошкент: «Ижтимоий фикр» маркази, 2003, –Б. 30-35; Мўминов А. Ўзбекистон: ахборотлашган жамият сари. –Тошкент: Turon zamin ziyo, 2013; Муксимова Х.В.



Тадқиқ этилаётган муаммонинг у ёки бу жиҳатлари ва атрибутларини ўрганиш бўйича мамлакатимиз ва хорижлик олимларнинг изланишлари таҳлили шуни кўрсатадики, улар ахборотлашган жамиятда жамоатчилик фикри мониторингини таъминлаш учун оммавий коммуникациялар социологияси имкониятларини махсус тадқиқ этишни ўзларига асосий мақсад қилиб қўйишмаган. Ҳолбуки, ОАВ иштирокисиз жамоатчилик фикрини шакллантириш ва унинг мониторингини таъминлаш ҳақидаги билимлар мукамал бўлмайди, ахборотлашган жамиятнинг моҳияти тўлиқ англаб етилмайди. Аслини олганда, ахборотлашган жамиятнинг барқарор тарихий-маданий парадигма сифатида эътироф этилиши ОАВнинг жамоатчилик фикрини шакллантириш имкониятларига бевосита боғлиқдир. Бу эса жамоатчилик фикри мониторингини таъминлашда матбуот омили ва унинг назарияларини тизимли тадқиқ қилишни тақозо этади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Ахборотлашган жамиятда жамоатчилик фикри» мавзусида «Матбуот – шахс – жамият – давлат» ўзаро муносабатларини социологик тадқиқотлар орқали ўрганиш. Социологик таҳлил» (2014 й.) ва «Мафкуравий иммунитетни шакллантиришда оммавий ахборот воситаларининг роли» (2015 й.) номли амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ахборотлашган жамиятда жамоатчилик фикрини оммавий коммуникациялар воситасида шакллантириш ва мониторингини таъминлаш омиллари, хусусиятлари ва тенденцияларини социологик жиҳатдан назарий-эмпирик асослашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ахборотлашган жамиятнинг назарий асослари, жамоатчилик фикри мониторинги мазмун ва моҳияти, оммавий коммуникациялар воситаларининг тизим ясовчи имманент белгилари, уларнинг ўзаро боғлиқлигини аниқлаш;

оммавий коммуникациялар социологиясида асос ҳисобланган Ф.С.Сиберт, У.Шрамм, Т.Питерсонларнинг «Матбуотнинг тўрт назарияси»га илмий-танқидий ёндашиб, ушбу назарияларнинг миллий матбуотимиз эволюциясига хос бўлмаган атрибутлари, фарқли ва ўхшаш жиҳатларини аниқлаш, уларнинг мамлакатимиз ОАВ шаклланиши ва ривожланишида тутган ўрнини, омилларини илмий асослаш;

давлат, нодавлат ва хусусий ОАВ фаолиятининг узвий қисми бўлган жамоатчилик фикри мониторингини таъминлаш жараёнларини иерархик таҳлил асосида баҳолаш мезонларини ва таҳририят фаолиятини мониторинг қилишнинг рейтинг тизимини ишлаб чиқиш;

ахборотлашган жамиятда жамоатчилик фикрини шакллантириш ва унинг мониторингини таъминлашда «ОАВ – журналист – муассис – жамоатчилик» ўзаро қайтма алоқаларини дисперсион таҳлил қилиб, социо-

---

Ўзбекистонда ахборотлашган жамият шаклланишининг ижтимоий-фалсафий таҳлил. –Тошкент: Start-track print, 2011, –Б. 192; Курбонова Н. Ахборотлашган жамият ва ёшлар тафаккури. –Тошкент: Akademiya, 2011. –Б. 32.

журналистика принципларига кўра асослаш;

Оммавий коммуникациялар воситалари (ОКВ)да жамоатчилик фикри мониторинги механизмининг ҳаракатлантирувчи кучи бўлган объект ва субъект ўртасидаги диалектик боғлиқликдаги ўзаро қайтма алоқаларнинг функцияларини тизимли равишда ўрганиш;

Ўзбекистон ОАВнинг ахборотлашган жамият сари ривожланишида жамоатчилик фикрининг ижтимоий феномен сифатидаги омилларини тизимли ўрганиш ва уларни янги назарий ёндашувлар билан бойитиш;

мустақил давлатимиз томонидан ахборот соҳасида амалга оширилаётган ислохотларни тизимли таҳлил қилиш йўли билан журналистиканинг демократик институт сифатида тараққий топишидаги ўзига хос жиҳатлари ва соҳани янада такомиллаштириш истиқболларини аниқлаш;

ОАВда ҳужжатларни ўрганиш, кузатув ва интервью усулларини қўлланган ҳолда жамоатчилик фикри мониторингини таъминлашни назарий-эмпирик жиҳатдан очиб бериш;

«матбуот – шахс – жамият – давлат» муносабатларининг ўзаро боғлиқлигини социологик тадқиқотлар орқали қиёсий таҳлил этиш, унинг аҳамиятини кўрсатувчи назарий хулосалар чиқариш, амалий таклиф ва методик тавсияларни шакллантиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг объекти** ахборотлашган жамиятда журналистиканинг демократик институт сифатидаги фаолияти ва ОАВда жамоатчилик фикри мониторингини таъминлаш жараёнлари.

**Тадқиқотнинг предмети** Ўзбекистон ОАВнинг эволюцион ривожланиши, жамоатчилик фикрини шакллантириш ва унинг мониторингини таъминлашда оммавий коммуникациялар воситаларининг ўрни.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда комплекс ёндашув, тарихийлик ва мантикийлик, тизимлилик, қиёсий таҳлил, ҳужжатларни ўрганиш, кузатув, интервью, сўровнома, ўзаро алоқадорлик, дисперсион ва иерархик таҳлиллар каби социологик тадқиқот усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилigi** қуйидагилардан иборат:

«Матбуотнинг тўрт назарияси» такомиллаштирилиб, миллий оммавий коммуникациялар тарихини ҳамда замонавий жараёнларини таҳлил қилишга мос келувчи янги концепция ва назарий қарашлар ишлаб чиқилди. Ушбу назарий қарашлар умумлаштирилиб, «Матбуотнинг 4Т назарияси» деб номланди. Булар: «Термитлашган матбуот назарияси»\*, «Трибониклашган матбуот назарияси»\*, «Трансформациялашган матбуот назарияси»\*, «Таназиялашган матбуот назарияси»\* дан иборат;

---

\* Изоҳ: «Термитлашган матбуот назарияси»да «termitis» лотинча сўз бўлиб, ёғоч, тери, қоғоз емирувчи ҳашарот—«оқ чумоли»ни англатади, унинг катта уяларда зараркунанда жамоа бўлиб яшаш тарзи ягона она – «малика чумоли» бошқарувига асосланади. Бу термин орқали мустамлака жамият ОАВни ягона мафкурага бўйсундириш ва уларни бошқаришга қаратилган «Термитлашган матбуот» тушунилади – муаллиф.

\* Изоҳ: «Трибониклашган матбуот назарияси»да «трибоника» сўзи ишқаланиш, ейилиш маъносини англатади. Бу термин орқали жамиятнинг тирик организм сифатида идрок этиб, суверен давлатда миллий мустақил ОАВ ташкил топади ва кишилар онгидаги эски стереотиплар фуқаролик жамиятини барпо этишда янги давр талабларига мос равишда трибониклашиб, тафаккурда эврилишга хизмат қилувчи «Трибониклашган матбуот» тушунилади – муаллиф.

жамоатчилик фикри мониторингини таъминлашда «матбуот – шахс – жамият – давлат» ўзаро қайтма алоқаларини баҳолашнинг 6 та мезони (профессионаллик, мустақиллик, иқтисодий эркинлик, ижтимоий адолатлик, тезкорлик, холислик) илмий-назарий асосланган ҳолда ишлаб чиқилган;

ахборотлашган жамиятда «ОАВ – журналист – муассис – аудитория» ўртасидаги ўзаро қайтма алоқалар таҳлили асосида анъанавий таҳририятлар трансформациялашиб, янги парадигма сифатида трансмиллий таҳририятларга айланишининг замонавий тенденциялари ва принциплари очиб берилган;

объект ва субъект ўртасидаги қайтма алоқаларни тадқиқ этиш орқали жамоатчилик фикри мониторингини таъминлашда ОКВ функциялари юзага чиқишининг уч босқичли механизми мавжудлиги аниқланган;

ахборотлашган жамиятда журналистиканинг демократик институт сифатида интеграциялашуви ва ОАВ материалларининг контент-таҳлили очиб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ахборотлашган жамиятда жамоатчилик фикри мониторингини таъминлаш, журналистиканинг демократик институт сифатида такомиллашуви, ОАВда жамоатчилик назорати ва журналист мониторингини амалга ошириш механизмларини янги босқичга кўтариш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Тадқиқотда мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан пропорционал танлов асосида жами 2100дан ортиқ респондент иштирок этди. Олинган маълумотлар сўров ва иерархик таҳлил усуллари самарали қўллашга имкон берувчи SPSS ва MPRIORITY1.0 дастурлари воситасида қайта ишланди. Тадқиқот натижалари бўйича Ўзбекистон Миллий университети ижтимоий фанлар факультети «Социология» кафедраси йиғилишининг 2013 йил 25 декабрдаги №9/2-сонли қарори, Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати «Етакчи» ёшлар марказининг 2013 йил 26 декабрдаги №01-04/10-сонли йиғилиш қарори, Ўзбекистон Миллий университети илмий-техникавий кенгашининг 2013 йил 27 декабрдаги №5-сонли қарори қабул қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг *илмий* аҳамияти илмий-назарий ва назарий-фундаментал тадқиқотлар ҳамда методологик ёндашувларни такомиллаштириш билан белгиланади. «Матбуотнинг 4Т назарияси» моделидан жамоатчилик фикрини шакллантириш, унинг мониторингини таъминлаш ҳамда Ўзбекистон ОАВни ривожлантиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни янада такомиллаштириш, оммавий коммуникациялар социологияси нуқтаи назаридан

---

\* Изох: «Трансформациялашган матбуот назарияси»да «transformatio» лотинча сўз бўлиб, «ўзгартириш», «қайта тузиш» маъноларини билдиради. Бу термин орқали журналистикани демократик институт сифатида қайта тузиш, ОАВ фаолиятини тубдан ўзгартириш ва такомиллаштириш орқали янги давр – ахборотлашган жамиятга хизмат қилувчи «Трансформациялашган матбуот» тушунилади – муаллиф.

\* Изох: «Таназиялашган матбуот назарияси»да «thanatos» юнонча сўз бўлиб, тинч ва енгил ўлим, кийноқсиз ва азият чекмасдан ўлишни англатади. Бу термин орқали истеъмолчилар жамиятини тирик организм сифатида идрок этиб, реал ҳаётни сиёсий, маданий, ижтимоий, ҳуқуқий, диний, тиббий, иқтисодий, ахборот хавфсизлиги омиллари орқали ичдан емирувчи, ахборотлашган жамиятнинг салбий ҳолатидаги «ўлик матбуот» прогнози тушунилади – муаллиф.

жамият ҳаётидаги ижтимоий, сиёсий, маданий-маърифий омилларни тадқиқ этишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг *амалий* аҳамияти шунда намоён бўладики, ишнинг илмий хулоса ва таклифларидан журналистика ва социология йўналишлари талабаларини ихтисослаштириш мақсадида журналист-социолог ёки социожурналист мутахассислар тайёрлаш ва қайта тайёрлашда, шунингдек, «Жамоатчилик фикри социологияси», «Социологияда амалий тадқиқотларни ташкил этиш», «Социологияда тизимли ёндашув», «Матбуот социологияси тарихи», «Социолингвистика», «Жамоатчилик билан алоқалар», «Жаҳон журналистикаси», «Сиёсий конфликтология ва халқаро журналистика» фанлари бўйича дарслик, ўқув қўлланма яратиш ва услубий тавсиялар ишлаб чиқишда, давлат идоралари, хусусий корхоналар, нодавлат нотижорат ташкилотлар муассислигидаги таҳририятлар фаолиятининг мониторингини таъминлашда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Жамоатчилик фикри мониторингини таъминлашда оммавий коммуникациялар социологияси бўйича журналистикага оид социологик таклифлар ишлаб чиқилган ва қуйидаги илмий тадқиқот натижалари жорий қилинган:

«Термитлашган матбуот назарияси», «Трибониклашган матбуот назарияси», «Трансформациялашган матбуот назарияси», «Таназиялашган матбуот назарияси»дан иборат «Матбуотнинг 4Т назарияси» модели борасидаги таклифлардан Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказининг 2015 – 2016 йиллардаги тарғибот-ташвиқот ишларида фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат кенгаши Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказининг 2016 йил 30 декабрдаги №425-сон маълумотномаси). Натижада оммавий коммуникациялар социологияси моҳиятан янги концептуал таҳлил билан бойишига имкон яратилган;

жамоатчилик фикри мониторингини таъминлашда «матбуот – шахс – жамият – давлат» ўзаро қайтма алоқаларини иерархик таҳлил усули орқали баҳолашнинг 6 та мезони хусусидаги таклиф-тавсиялар «Электрон ҳукумат» тизимини ривожлантириш марказида амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2017 йил 25 апрелдаги №33-8/2540-сон маълумотномаси). Мазкур таклифларнинг амалиётга жорий этилиши «Электрон ҳукумат» тизимини ривожлантиришда веб-сайтлар очиклиги ва шаффофлигини таъминлашга хизмат қилган;

«ОАВ – журналист – муассис – жамоатчилик» ўзаро қайтма алоқаларга оид таклифлардан «Халқ сўзи» газетаси таҳририяти ижодий фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 30 августдаги №07/44-1-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг амалиётга жорий этилиши жамоатчилик фикри мониторинги механизмини такомиллаштиришга хизмат қилган;

объект ва субъект ўртасидаги қайтма алоқалар диалектикаси, жамоатчилик фикри мониторингини таъминлаш, ОКВ функциялари намоён бўлишининг уч босқичли механизми борасидаги таклифлардан Ўзбекистон

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳаммуассислигидаги «Оила даврасида» ижтимоий-сиёсий ва маданий-маърифий газетасининг таъсис ҳужжатларида фойдаланилган (Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқарувининг 2015 йил 16 июлдаги №02-01/500-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг амалиётга жорий этилиши миллий ахборот бозорини турли хил ёт мафкуралар ва «оммавий маданият»нинг салбий таъсиридан ҳимоя қилувчи материаллар билан таъминлашга хизмат қилган;

журналистиканинг демократик институт сифатидаги функциялари ва ОАВ материалларининг контент-тахлилига оид таклифлардан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг 2016 йил 26 апрелдаги №12/95-1-сон маълумотномаси). Мазкур таклифлардан амалиётда фойдаланиш миллий медиа муҳитини яхшилаш, таҳририятларнинг глобал тармоқдаги фаолиятини такомиллаштириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари жами 9 та илмий-амалий, шундан 3 та халқаро ва 6 та республика конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 42 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, 3 та илмий рисола, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 16 та мақола, шундан 13 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертациянинг таркибий тузилиши кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 250 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зурарати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети, усуллари аниқланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий-назарий ва амалий аҳамияти, ишончлилиги, амалиётга жорий қилингани, апробацияси, нашр этилган ишлар, ишнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Оммавий коммуникациялар социологияси ва жамоатчилик фикрини тадқиқ этишнинг назарий-методологик асослари**» деб номланган биринчи бобида жамоатчилик фикри мониторинги тушунчаси, моҳияти, таркиби ва функциялари очиб берилган. Жамоатчилик фикрининг шаклланиши ва ўзгариши категориялар орқали намоён бўлади, улар воситасида жамоатчилик фикри мониторинги тизимли таҳлил этилиб, ОАВнинг жамиятдаги ўрни очиб берилади.

Тадқиқот натижаларига кўра, жамоатчилик фикри мониторингини таъминлашда ОАВ фаолиятининг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, 8 та категория: «тахририят – объект – мезонлар – принциплар – функциялар – социологик усуллар – жанрлар – аудитория»нинг ўзаро қайтма алоқалари цикл шаклида тизимли тадқиқ этилди. Шу категорияларга мувофиқ, энг аввало, тахририят инobatга олинади. Чунки журналистнинг асосий фаолияти ҳисобланган ахборот етказиш турли ОАВ орқали амалга оширилади. Шунинг учун диссертант ушбу жараённи ўзи илгари сураётган «Матбуотнинг 4Т назарияси» модели асосида тадқиқ этишни мақсадга мувофиқ ҳисоблайди.

Журналист объектни ўрганаётганида индивидлар билан ўзаро коммуникациявий жараёнларга киришади. Жамоатчилик фикри мониторингини таъминлашда ҳеч бир объект журналист эътиборидан четда қолиши мумкин эмас. Бунда журналист амалдаги қонунлар, касб одоби, мавжуд мезонлар, принциплар ва функциялар асосида объект тўғрисида бирламчи ахборотни ўрганади ва йиғади. Натижада индивидлар билан ўзаро қайтма алоқа ўрнатилади ва ривожланади. Шу боис объектни ўрганишда социологик усуллардан кенг фойдаланган ҳолда ахборот йиғилади, қайта ишланади ва умумлаштирилади. Журналист материалнинг мазмунига муносиб шакл танлайди, яъни материални ёритишда унинг шакли ва мазмуни мутаносиблигини сақловчи публицистик жанрга мурожаат қилади. ОАВ муайян аудиторияга йўналтирилган маълумотни тарқатиб, жамоатчилик фикрини шакллантиради ва жамоатчилик назоратини амалга оширади.

Диссертацияда ахборотлашган жамият ва ОКВнинг назарий асослари такомиллаштирилган. Шу боис ахборотлашган жамият шаклланишида Ўзбекистондаги ОКВ тадрижий ривожланишини 3 та тараққиёт даврига ажратиб ўрганиш мақсадга мувофиқлиги асослаб берилди. Булар: I тараққиёт даври – матбуот нашрлари пайдо бўлгунга қадар; II тараққиёт

даври – матбуотнинг пайдо бўлиши ва ОКВ ривожланиши; III тараққиёт даври – матбуот нашрларининг трансформациялашуви ва ОКВ такомиллашуви ўрганилди. Бунда ахборотлашган жамиятда ОКВ такомиллашуви ва тадрижий ривожланиши назарий жиҳатдан тадқиқ этилди.

Тадқиқотда оммавий коммуникациялар социологиясида мавжуд «Матбуотнинг тўрт назарияси» («Авторитар матбуот назарияси», «Либертариан матбуот назарияси», «Матбуотнинг ижтимоий масъулият назарияси», «Совет коммунистик матбуоти назарияси»)ни танқидий таҳлил қилган ҳолда миллий оммавий коммуникациялар тарихини ҳамда замонавий жараёнларни тадқиқ қилишга мос келувчи янги концепция – «Матбуотнинг 4Т назарияси» модели муаллиф томонидан ишлаб чиқилган. Ушбу моделнинг таркибига кирувчи: «Термитлашган матбуот назарияси», «Трибониклашган матбуот назарияси», «Трансформациялашган матбуот назарияси» ва «Таназиялашган матбуот назарияси» қоидаларининг 10 та атрибут асосида Ўзбекистон ОАВ шаклланиши ва тадрижий ривожланиши тадқиқ этилди. Натижада жамоатчилик фикри мониторингини таъминлашда ОАВ (таҳририят) категориялари хусусиятларининг қиёсий таҳлили амалга оширилди.

Диссертацияда жамоатчилик фикрига таъриф берилди. Жамоатчилик фикри – маълум бир жамоа (гурух)нинг воқеликка, турли ижтимоий жараёнларга муносабати бўлиб, ижтимоий онгнинг тез ўзгарувчан, динамик ҳолати сифатида намоён бўлади. Жамоатчилик фикри ва ахборотлашган жамият таркиби, атрибутлари юзасидан олимларда ягона нуқтаи назар шаклланимагани маълум. Лекин ушбу тушунча илмий адабиётларда турлича изоҳланса-да, уларда жамоатчилик фикри шаклланишида *ахборотнинг* ва ахборотлашган жамиятда *коммуникацияларнинг* асосий жиҳатлари ўзак сифатида ёритилган.

Ахборотлашган жамиятда тадқиқотчилар ва мутахассислар томонидан ОКВни ижтимоий, сиёсий, фалсафий ёки иқтисодий жиҳатдан баҳолаш кузатилди. Жамоатчилик фикри мониторингини таъминлашда умумий йўналишлар изоҳланган ва технологик жиҳатлари деталлаштирилиб «оммавий коммуникациялар» ёки «оммавий коммуникация воситалари» деб аталган. Соҳа олим ва мутахассислари фикр-мулоҳазаларидан келиб чиқиб, оммавий коммуникацияларга қуйидагича таъриф берилди: оммавий коммуникациялар – таҳририят томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ, ахборотни излаш, олиш, тўплаш, қайта ишлаш ва умумлаштириш орқали уни кенг оммага ёзма, оғзаки ёки электрон шаклда мунтазам равишда тарқатиш жараёнидир. «Оммавий коммуникациялар» кенг қамровли тушунчадир ва у вербал (новербал) ёки тасвирли (тасвирсиз) тарзда намоён бўлиб, айрим давлатларда «оммавий ахборот воситалари», «оммавий коммуникациялар воситалари» ёки «медиа», «масс-медиа» терминларининг синоними ўрнида қўллаш қоида тусига айланган.

Диссертацияда «Матбуотнинг 4Т назарияси» таркибидаги назарияларга қуйидаги илмий таърифлар ишлаб чиқилди:

1) «Термитлашган матбуот назарияси» – мустамлака даврида босиб

олинган халққа нисбатан мустабид тузум сиёсатини барча турдаги ОАВ орқали бирёклама тарғиб этиб, ҳудудий жиҳатдан ягона бошқарувга бўйсундирилган ахборот тизими;

2) «Трибониклашган матбуот назарияси» – мустақил давлатнинг бир тузумдан иккинчисига ўтиши натижасида аввалги таҳририятлар фаолияти трибониклашиб, эркин миллий ОАВ пайдо бўлиши орқали мустамлака даври стереотипларига барҳам бериш, инсон манфаатларини тарғиб этиш, унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда халқнинг миллий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий жиҳатдан уйғонишига, тафаккурдаги эврилишларга хизмат қилувчи ахборот тизими;

3) «Трансформациялашган матбуот назарияси» – матбуот ва ахборот соҳаларининг янги давр – ахборотлашган жамиятга ўтишида анъанавий ОАВнинг йўналиши, шакли ва мазмуни ўзгариши, турли таҳририятлар қўшилиши натижасида вужудга келган ва такомиллашган замонавий ахборот тарқатиш тизими;


4) «Таназиялашган матбуот назарияси» – истеъмолчилар жамиятида мавжуд бўлган ОАВ турли мафкуравий, ғоявий ва информацион хуружлари орқали индивидни муте қилишга, унинг миллий ўзлиги, менталитети, қадриятларини унутишга, маънавий таназулга юз тутишига хизмат қиладиган вайронкор ахборот тизими.

Диссертациянинг «**Оммавий ахборот воситалари орқали жамоатчилик фикрини ўрганиш**» деб номланган иккинчи бобида иерархик таҳлил усули орқали эмпирик тадқиқот натижалари асосида ОАВ жамоатчилик фикри мониторинги самарадорлиги тадқиқоти амалга оширилди. Иерархик таҳлил усули нарса, воқеа ва ҳодисаларни уларнинг аҳамиятига кўра мантикий кетма-кетликда жойлаштириб, тизимли ўрганишни назарда тутди. Журналистика ва социология соҳаларининг ривожидида тадқиқотни иерархик таҳлил этиш мақсадга мувофиқ. Бунда жамоатчилик фикри мониторингини таъминлашда ОАВни критериялар асосида иерархик таҳлил йўли билан қарор қабул қилишда кўп вариантлардан энг мақбулини танлаш жуда муҳим.

Жамоатчилик фикри мониторингини таъминлашда ОАВни иерархик таҳлил усули орқали ўрганиб, қарор қабул қилишни «Матбуотнинг 4Т назарияси» модели асосида кўриб чиқилди. Ушбу муаммо 4 поғонали иерархик таҳлил усули орқали тадқиқ этилди (1-расм). 1-поғонада жамоатчилик фикри мониторингини таъминлашда ОАВ ўрнини аниқлаш асосий муаммо этиб белгиланди. 2-поғонада ушбу муаммога таъсир этувчи давлат, нодавлат ва хусусий ОАВ омиллари аниқланди. 3-поғонада ўтказилган тадқиқот натижасига кўра, сўровнома (анкета)да қатнашган респондентларнинг саволларга берган жавоблари орқали ОАВни баҳолашнинг 6 та мезони – профессионализм, мустақиллик, иқтисодий эркинлик, ижтимоий адолатлилик, тезкорлик, холислик бўйича аниқланди. 4-поғонада иштирокчи ОАВ 4 та муқобил вариант: «Термитлашган матбуот», «Трибониклашган матбуот», «Трансформациялашган матбуот», «Таназиялашган матбуот»га ажратилиб, «Матбуотнинг 4Т назарияси» моделининг 10 та атрибути асосида 6 та мезон бўйича қайта баҳоланди.



## ОАВ орқали жамоатчилик фикри мониторингини таъминлашнинг иерархик таҳлил СХЕМАСИ



Якуний натижага кўра, жами 1 бутун устунлик коэффициенти шартли равишда 100 фоиз ҳисобига айлантирилгач, уларнинг кўрсаткичи қуйидагича: «Трансформациялашган матбуот» – 59%, «Трибониклашган матбуот» – 23,3%, «Таназиялашган матбуот» – 11%, «Гермитлашган матбуот» – 6,7%ни ташкил этди. «Трансформациялашган матбуот» кўрсаткичлари энг юқори (59%) ва унда нодавлат ОАВ фаоллиги энг мақбул вариант эканлиги аниқланди.

Тадқиқотимизда жамоатчилик фикри мониторингини таъминлашда «ОАВ (таҳририят) – журналист (мухбир) – муассис (ҳомий) – жамоатчилик (аудитория)» ўзаро қайтма алоқаларининг дисперсион таҳлил схемаси социологик «коммуникатив занжир» асосида тадқиқ этилди (2-расм). Бунда мазкур 4 та субъект шартли равишда А – таҳририят, В – журналист, С – муассис, D – жамоатчилик тарзида талқин қилиниб, улар орасидаги муносабатларнинг қуйидаги хусусиятлари аниқланди: 1) субъектнинг ташаббуси ОАВ орқали жамоатчилик фикрини шакллантиришга хизмат қилади; 2) субъектларнинг икки томонлама алоқасида қатнашчиларнинг бир-бирига ишончи ортиб, улар ўртасида шаклланган ҳамкорлик муносабати жамоатчилик фикрининг барқарорлашишига олиб келади; 3) субъектларнинг уч томонлама ижтимоий шериклик муносабатида олдинги босқичларда пайдо бўлган ўзаро ишонч янада мустаҳкамланиб, коммуникациявий жараёнлар такомиллашади ва пировардида, ижтимоий фикрнинг вужудга келиши учун замин яратилади.

Натижада ахборотлашган жамиятда ОАВда жамоатчилик фикри мониторингини таъминлашда кетагорияларга асосан социожурналистикадаги 14 та принцип самара бериши аниқланди. Булар: 1) умуминсонийлик; 2) халқчиллик; 3) миллийлик; 4) долзарблик; 5) ҳаққонийлик (бунга адолатлилик ҳам киради); 6) қонунийлик (бунга тенг ҳуқуқлилик ҳам киради);

**Жамоатчилик фикри мониторингини таъминлашда «ОАВ–журналист–  
муассис–жамоатчилик» ўзаро қайтма алоқаларининг дисперсион таҳлил  
СХЕМАСИ**



7) ошкоралик (бунга эркинлик ҳам киради); 8) очиклик; 9) ҳозиржавоблик; 10) фикрлар хилма-хиллиги (плюрализм); 11) коллегиялик; 12) масъуллиқ; 13) толерантлик; 14) оммавийликдир.


Диссертацияда ОАВда жамоатчилик назорати ва журналист мониторингини таъминлашда объект ва субъектнинг ўзаро алоқадорлиги ўрганилди. Ҳозирда Ўзбекистонда жамоатчилик фикри мониторинги механизми – объект ва субъект ўртасидаги диалектик ўзаро қайтма алоқаси 3 босқичда намоён бўлмоқда (3-расм). 1-босқичда субъектнинг бевосита журналист ёки билвосита ОАВ билан алоқаси, яъни таҳририятга мурожаати ўрганилди. 2-босқичда эса биринчи босқичда чоп этилган материаллар юзасидан жамоатчилик фикри шакллантирилиб, жамоатчилик назорати ва ОАВ мониторинги амалга оширилади. 3-босқичда бирор бир масала юзасидан таҳририят билан объект ёки субъект ўртасида юзага келган норозилик ёхуд келишмовчилик сабабли ўтказилган суд жараёни ва ҳар икки томон қонуний фаолиятининг қиёсий таҳлили кузатилади.

Оқибатда ахборотлашган жамиятда жамоатчилик назорати ва ОАВ мониторингини таъминлашда ОКВнинг 9 та функцияси амал қилиши аниқланди. Яъни: 1) ахборотлаштириш (ахборотлилик) функцияси; 2) экспрессив (тор маънода – назорат) функция; 3) кузатув (мониторинг) функцияси; 4) консултатив (маслаҳат) функция; 5) конструктив функция; 6) прогнозлаш функцияси; 7) директив функция; 8) таҳлилий (аналитик) функция; 9) бошқарувчилик (регулятив) функцияси.

Тадқиқот ва олиб борилган анкета сўрови натижасига кўра, ОАВда жамоатчилик фикри мониторинги механизмининг ҳаракатлантирувчи кучи бўлган объект ва субъект ўртасидаги ўзаро қайтма алоқанинг ривожланиши ёки сусайиши уч босқичда, 9 та функция таъсирида, 3 хил позиция орқали намоён бўлиши аниқланди. Мазкур позицияларни қуйидагича изоҳлаймиз:

1. Фаол (ижобий) позиция. Бунга миллий истиқлол ғояси, мустақилликни мустаҳкамлашга хизмат қилувчи мафкураларни тўла қабул қилган, уни амалда бажаришга бор куч-ғайратини ишга солаётган индивидлар киради. Ҳозирда ОАВ, хусусан, матбуотда мазкур позициядаги фуқароларнинг бунёдкорлик ишлари фаол ёритилаётгани характерлидир.

**ОАВда жамоатчилик фикри мониторинги механизми: объект ва субъект ўртасидаги диалектик боғлиқликнинг ўзаро қайтма алоқаси  
СХЕМАСИ**



2. Сушт (салбий) позиция. Фаол позициядаги фуқароларнинг ғояларига буткул қўшилмаса-да, эски тузум стереотиплари ва мафкуравий ақидаларига содиқ қолиб, аввалги турмуш тарзини кўмсайдиган ва уни қайтариш учун қулай фурсат кутиб, шунга шарт-шароит яратишга ҳаракат қилувчи, янгиликни хуш кўрмайдиган индивидлар киради.

3. Бетараф (лоқайд) позиция. Бунга дунёқароши юқорида қайд этилган иккала позицияга ҳам мос келмайдиган, ҳеч қандай ғоя ва мафкурага ишонмайдиган, барча соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотларга нисбатан бефарқ ёки ижтимоий ҳаётга лоқайд индивидлар киради. Бундай фуқаролар жамият ривожига ёки ОАВ материалларига деярли бефарқ бўлишади. Ушбу позициядаги индивидларнинг кўпайиши ҳар қандай жамият истиқболи учун ўта хавфлидир.

Диссертациянинг «Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларининг шаклланиш ва ривожланиш омиллари: ахборотлашган жамият сари йўл» деб номланган учинчи бобда ОАВнинг «Термитлашган матбуот» кўриниши ва «Трибониклашган матбуот»нинг пайдо бўлиши социологик жиҳатдан асосланган. Ўзбекистон мустамлака давридаги ОАВ «Авторитар

матбуот назарияси» ва «Совет коммунистик матбуоти назарияси» моделлари асосида таҳлил этилиб, унинг атрибутлари «Термитлашган матбуот»га хос экани аниқланди. «Термитлашган матбуот назарияси» мустамлака жамиятни ахборотлаштиришда маъмурий назорат қилиш, ОАВда цензурани қўллаш орқали инсон онги-шуурини манипуляция этиш, ягона ғоя демагогиясига асосланган сохта мафкура ва стереотиплар тарғиботида намоён бўлади. Бунда мустамлака халқнинг тарихи ёлғон ахборот орқали сохталаштирилиб, ташвиқот асосида жамоатчилик фикри чалғитилади.

Мамлакатимизнинг мустамлака давридаги ОАВнинг фаолиятини «Термитлашган матбуот» деб аташда маданий, сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий, диний, экологик омилларга ва социологик тадқиқотларга асосландик.

1991 йил 1 сентябрдан Ўзбекистон истиқлолни қўлга киритиб, фуқаролик жамиятини барпо этишда миллий мустақил ОАВ учун янги давр бошланди. Натижада халқимиз тафаккуридаги эврилиш, инсонлар онгидаги ўзгаришларни акс эттиришга, давлатимиз озодлиги учун курашга хизмат қилувчи ОАВ, яъни «Трибониклашган матбуот» шаклланди. Ушбу назарий ёндашувни асослашда ижтимоий жараёнлардаги 5 та омилга асосландик: маданий, ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий омилларга ҳамда ўтказилган социологик тадқиқотларга асосландик. Мамлакатимиз «Термитлашган матбуот»дан «Трибониклашган матбуот»га ўтиш даврида қабул қилинган (1991 йил 14 июнь) «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонунининг 32-моддасида етказилган маънавий зарарни қоплашга эътибор қаратилди. Ўзбекистон ОАВнинг трибониклашув ҳолатига аниқлик киритилгач, уни хорижий ОАВдаги «Либертариан матбуот назарияси» ва «Матбуотнинг ижтимоий масъулият назарияси»даги айрим ҳолатлар билан таққосланди.

Ўтказилган тадқиқотимиз натижасига кўра, респондентларнинг яқин ўтмишдаги ижтимоий-сиёсий жараёнлардан хабардорлик даражасини аниқлаш мақсадида «Мустақиллик ва мустамлака даврлари матбуоти ўртасида фарқ нималардан иборат?» деган савол билан уларга мурожаат этдик. Сўровда иштирок этган жами респондентларнинг 62,9%и, мутахассис-респондентларнинг 74%и «Ғоя ва мафкуранинг ўзгариши билан инсонлар дунёқараши ўзгарди» деб ўз муносабатини қатъий билдирган. «Сизнингча, Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгач, инсонлар онги ва тафаккурида ўзгаришлар юз бердими?» деган аниқловчи саволга сўровда иштирок этганларнинг аксарияти (70,1%) «Ҳа, инсонлар тафаккурида ўзгариш юз бериб, собиқ тузумдаги иллатларга матбуот орқали барҳам берилди» деб жавоб қайтарди, сўровда иштирок этган мутахассис-респондентларнинг 88%и айнан ушбу жавобни белгилашди. Диққатга сазовор жиҳати сўровда қатнашганлар анча дадиллик билан ОАВ фаолияти трибониклашувини қайд этган.

Ахборотлашган жамиятда «Трансформациялашган матбуот»нинг шаклланиши ва ривожланиш омиллари тадқиқ этилди. Ўзбекистон

ОАВнинг трансформациялашув жараёни ахборотлашган жамиятни тадқиқ қилган япон олими Й.Масуданинг 10 та атрибутига асосан ўрганилди.

Ахборотлашган жамиятда мамлакатимиз ОАВни «Трансформациялашган матбуот» деб аташда биз қуйидаги 7 та омил (сиёсий, ижтимоий, маданий, иқтисодий, ҳуқуқий, технологик, ахборот хавфсизлиги) ва социологик тадқиқотимизга асосландик.

Тадқиқот натижасига кўра, мамлакатимизда замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этилиши билан ОАВ фаолияти такомиллашмоқда. Шу боис респондентлардан «Ҳозирда босма даврий нашрлар ахборот узатишда аввалгиларидан фарқланадими?» деган масалага ойдинлик киритиш сўралди. Сўровда иштирок этган респондентларнинг кўпчилиги (64%) ва мутахассис-респондентларнинг аксарияти (74%) «Ҳа, эндиликда босма даврий нашрларнинг нафақат ўзини, балки уларнинг электрон вариантыни ҳам ўқиш, таҳририят веб-сайтлари орқали хабар олиш мумкин» деб таъкидлаган.

Масалага аниқлик киритиш мақсадида респондентларга «Сиз қайси оммавий коммуникациялардан кўпроқ ахборот оласиз?» деб берилган саволга респондентлардан 42%и, мутахассис-респондентларнинг 39%и ТВдан кўпроқ ахборот олишини қайд этган. Агар мустақиллик йилларида ТВ пешқадамлиги кузатилган бўлса-да, аммо Интернет ҳаётимизга жадал суръатда кириб келгани билан сўровда қатнашганларнинг 33,6%и, мутахассис-респондентларнинг 33%и кўпроқ ундан ахборот олаётганини қайд этган. Бу даврий матбуот нашрларининг ахборот тарқатиши оптималлашиб, ОАВнинг электрон шакллари веб-сайтлар орқали узатилаётганини – трансформациялашув содир бўлаётганини тасдиқлайди.

«Таназиялашган матбуот»нинг ижтимоий, маънавий-ахлоқий йўналишлардаги салбий жиҳатлари социологик прогноз қилинди. «Таназиялашган матбуот» таъсиридаги жамият таназзулини шартли равишда 2 гуруҳга ажратиб, уларни «Чўкаётган кема» ва «Тўнкарилган қайик» тарзида образли ифодаланди. Глобаллашув жараёнидаги бу «Чўкаётган кема» гуруҳини реал ижтимоий ҳаёт издан чиқиб, ўнглаб бўлмайдиган маънавий таназзул ҳолатига келган жамият, деб тасаввур этамиз. Шу нуқтаи назардан «Таназиялашган матбуот» деб аташда ОАВнинг реал ҳаётдаги 8 та омил (сиёсий, маданий, ижтимоий, ҳуқуқий, диний, тиббий, иқтисодий, ахборот хавфсизлиги) ва социологик тадқиқотимизга асосан прогнозлаштирилди. Ўтказилган тадқиқотимиз натижасига кўра, «Оммавий маданият»га муносабатингиз қандай?» деган саволга респондентларнинг ярми (50,8%) «оммавий маданият»га салбий муносабат билдирган.

«Таназиялашган матбуот» таъсирига тушган 2-гуруҳни шартли равишда «Тўнкарилган қайик» ҳолатида тасаввур этиб, унинг чўкиши муқаррар эмаслиги, уни ўнглаш мумкинлиги прогнозлаштирилди. «Чўкаётган кема» гуруҳидаги халқ (миллат)нинг ОАВдаги маънавий таназзули туфайли юзага келган хаосни бартараф этишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар сифатида маънавият-маърифатга хизмат қилувчи соғлом турмуш тарзини тарғиб-ташвиқ қилиш талаб этилади. Бу: 1) аскетизм, яъни жамиятни алғов-

далғов қиладиган турли ижтимоий-сиёсий манфаатлардан воз кечиб, бирдамлик ва маърифат йўлини тутиш; 2) алтруизм, яъни бошқаларнинг манфаатини ўз манфаатидан устун қўйиб, уларга ғамхўрлик кўрсатиш, ўзини ва ўзгаларни комиллик сари ундаш.

Шу нуқтаи назардан ОАВ ва Интернет орқали тарқатилган таҳдидли материалларни 3 турга – мафкуравий, ғоявий ва информацион хуружларга ажратилди. Ўтказилган тадқиқотимиз натижасига кўра, «Таназиялашган матбуот»га нисбатан респондентлар муносабатини ойдинлаштириш мақсадида «Сизнингча, матбуот «оммавий маданият» тарқатяптими?» деб берилган саволга жавобан сўровда қатнашганларнинг 49,3%и «Матбуот «оммавий маданият» тарқатувчи асосий восита»лардан бири, деб ҳисоблаши маълум бўлди. Демак, бугунги кунда журналист томонидан ОАВда реал ҳаётни холис ёритиши, халқ турмуш тарзини ҳаққоний акс эттириши давр талабига айланмоқда.

Диссертациянинг «**Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларида жамоатчилик фикри мониторинги жараёнларини оптималлаштириш**» деб номланган тўртинчи бобда журналистикага ҳуқуқий, сиёсий, ижтимоий-маданий, иқтисодий, илмий омилларга ва ўтказилган социологик тадқиқотимиз натижаларига асосланган ҳолда демократик институт сифатида ёндашилган. Жамоатчилик фикри мониторингини олиб бориш ва жамоатчилик назоратини ўрнатиш, омбудсман фаолиятини кенгайтириб, унинг ОАВ билан ижтимоий шериклигини мустаҳкамлаш давр талабидир. Тадқиқот натижасида таҳририятларда «Жамоатчилик фикри (омбудсман)» бўлими фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадга мувофиқлиги аниқланди. Уларнинг фаолиятида самарадорликни ошириш учун қуйидагилар зарур: 1) юридик ва жисмоний шахсларнинг мурожаатлари бўйича ҳуқуқларини таъминлашда таҳририятнинг тегишли ташкилотларга расмий мурожаат этиш; 2) таҳририятда юридик ва жисмоний шахслар мурожаатлари ва уларга келган жавоб хат (ҳужжат)ларни таҳлил қилиш; 3) ОАВда юридик ва жисмоний шахслар мурожаатлари, унга келган расмий жавоб хатлари мазмунини ўзгартирмаган ҳолда ёритиш; 4) мурожаатлар асосида журналист мониторингини амалга ошириш мақсадида муаммони социологик усуллар орқали таҳлил қилиш (юридик ёки жисмоний шахслар, тегишли ташкилот раҳбаридан интервью олиш, ҳужжатларни ўрганиш ва кузатув олиб бориш); 5) долзарб масалалар бўйича жамоатчилик фикрини ўрганиш мақсадида респондентлар ўртасида анкета сўровлари ўтказиш; 6) ОАВда журналист мониторинги ёки анкета сўровлари натижаси бўйича таҳлилий материал тайёрлаш ва уни ёритиш; 7) юридик ва жисмоний шахсларнинг мурожаатлари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) билан ОАВнинг ўзаро ахборот алмашишини мунтазам йўлга қўйиш. Ижтимоий шерикликни таъминлашда халқ билан мулоқотга киришишнинг ушбу механизми самарали ҳисобланади.

Диссертацияда «Журналист мониторинги» орқали журналистика демократик институт сифатида тўлиқ намоён бўлиши, «Журналист

мониторинги» жанр нуқтаи назаридан мустақил тушунча эканлиги таҳлил қилинди. Бунда ахборотлашган жамиятда «Журналист мониторинги» ўрганилиб, унинг атрибутлари «Матбуотнинг 4Т назарияси» модели асосида тадқиқ этилди.

Оммавий коммуникациялар социологиясида «Журналист мониторинги» ижтимоий жараёнларни текширмайди, балки шахс, жамият ва давлатнинг ривожланиш ёки таназулга юз тутиш сабабларини жамоатчилик фикри орқали ўрганади. Журналистиканинг қуйидаги жиҳатлари уни демократик институт сифатида белгилаб беради: а) ОКВнинг мустаҳкам қонуний асослари яратилиб, жамиятда ҳуқуқий маданият юксалишига хизмат қилувчи тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилингани; б) жамоатчилик фикри мониторингини таъминлашда соҳанинг ташкилий тузилиши давлат, нодавлат ва хусусий ОАВдан иборат фикрлар хилма-хиллигига асосланган ахборот тизими такомиллашгани; в) турли воқеликларнинг фаол кузатувчиси сифатида журналист мониторинг натижаси бўйича жамоатчилик назоратини ўрнатиш имконига эгаллиги.

Диссертацияда журналистикани демократик институт сифатида такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурида журналистларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакиллик институти – Ўзбекистон Оммавий коммуникациялар воситалари мониторинги кенгашини тузиш масалалари очиқ берилган.

Ўтказилган тадқиқот натижаларидан аниқландики, оммавий сўровда<sup>1</sup> иштирок этган респондентларнинг чоракдан кўпроғи (27,4%) ва мутахассис-респондентларнинг<sup>2</sup> учдан бири (34%) журналист айтиши вақтда долзарб бўлган ижтимоий муаммони ёритишда мониторинг ўтказиши шарт, деб ҳисоблайди. Бу бизнинг икки фан – журналистика ва социология чорраҳасида журналист ва социолог мутахассисларни тайёрлаш мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги фаразимизни тасдиқлайди.

Тадқиқот натижасида «Журналист мониторинги» жанри орқали жамоатчилик фикри мониторингини таъминлашда қуйидагилар самарадорлик ва таъсирчанликни юзага чиқариши маълум бўлди: а) ҳужжатларни ўрганиш, интервью, кузатув ва бошқа социологик усулларни публицистика жанрлари талаблари билан уйғун ҳолда қўллаш; б) жисмоний ва юридик шахсларнинг оғзаки, ёзма ёки электрон шаклдаги мурожаатларини ОАВда кенг ёритиш орқали фикрлар хилма-хиллигини рўёбга чиқариб, жамоатчиликнинг ижтимоий фаоллигини орттириш; в) таҳририятнинг аудитория билан ўзаро ишончли қайтма алоқалари конструктив жиҳатдан ривожланишига эришиб, жамоатчилик назоратини ўрнатиш; г) журналистиканинг такомиллашуви ва ихтисослашуви натижасида журналист-социолог мутахассислиги жорий этилиб, соҳа ривожига профессионал ёндашувни амалда таъминлаш. Булар журналистиканинг демократик институт сифатида муваффақиятли фаолият юритишига хизмат қилади.

Мамлакатимизда ахборотлашган жамиятни барпо этиш жараёнида

<sup>1</sup> Ўзбекистон ҳудудлари ва Тошкент шаҳрида жами 2100 дан ортиқ респондент сўров қилинган.

<sup>2</sup> Сўров ОАВ ва журналист мутахассисларини тайёрловчи олий ўқув юрлари ходимлари орасида ўтказилди.

ОАВ орқали ҳаётнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислохотларни ёритиш муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, «Халқ сўзи» газетасининг 2012 йил биринчи ярим йиллигидаги жами 128 та сонлари контент-таҳлил қилиниши диссертантга баъзи тушунча (сўз ва иборалар)нинг қўлланилиши частотаси, яъни социологик ахборот мазмунини миқдорий ўрганишга имкон берди. Газета материалларида «сайт (веб-сайт)» сўзидан (6,2%), «компьютер» (10,7%), «Интернет» (9,1%) қўлланилгани ушбу терминлардан фойдаланиш одатий ҳолга айланаётгани кузатилди. Умуман олганда, ярим йиллик якунига кўра, бу кўрсаткич бўйича аксарият атамаларни қўллаш ҳолати ўсган. Шу билан бирга газетада «ОАВ» (19,4%), «матбуот» (27,7%) сўзларининг кўпроқ қўлланилиши улар соҳанинг асосий тушунчалари эканини билдиради.

Шунингдек, контент-таҳлил натижасига кўра, «ахборотлашган» (ахборот соҳаси, ахборот хизмати, ахборотлаштириш, ахборотлашув) сўзларининг жами 6,4% қўлланилганини инобатга олсак, «ахборот хизмати», «ахборотлаштириш» терминларининг истифода этилиши ҳали шаклланиш босқичида эканлигини кўрсатди. Газетада «коммуникация (телекоммуникация)» атамаси «ахборотлашган» сўзидан 2 баравар кўп қўлланилган. Умуман олганда, тадқиқотимиз мавзусига бевосита дахлдор терминлардан 2012 йил биринчи чорагида 46,8% фойдаланилган бўлса, иккинчи чоракда эса 53,2% қўлланилгани бугунги матбуот материалларида ахборотлашган жамият тушунчаси, унинг у ёки бу қиррасини атрофлича очиб беришга ҳаракат қилинаётганини англатади.

Журналистнинг вазифаси жамоатчилик фикрини долзарб ижтимоий масалалар бўйича турли гуруҳ (ижтимоий институт, индивид)лар фаоллиги ёки сустлиги, уларнинг фаолияти қонуний ёки ноқонунийлиги сабабларини кузатув усули орқали ўрганиб, ОАВда ҳаққоний акс эттиришдан иборатдир. Бунда кузатув усули қуйидаги вазифаларни бажаради: а) давлатнинг учта электрон ҳокимият (электрон парламент, электрон ҳукумат, электрон суд) органлари фаолиятини қонунчилик доирасида ўрганиш; б) сайлов жараёнини кузатиш; в) юридик ва жисмоний шахслар мурожаатларини ўрганиш; г) турли тadbирлар, оммавий ҳаракатлар ва қонун лойиҳалари муҳокамаси каби жараёнларни ёритиш.

Журналист кузатуви қуйидаги босқичларга бўлинади: 1) изланиш объекти ва предметини тўғри танлаш; 2) кузатув мақсад ва вазифаларини аниқ белгилаш; 3) очик ёки яширин (ичдан) кузатув ишларини олиб бориш; 4) маълумот олиш, тўплаш, уни қайта ишлаш ва кузатув натижаларини умумлаштириш; 5) кузатув усули орқали тайёрланган «Журналист мониторинги» материаллари воситасида жамоатчилик назоратини ўрнатиш. Интервью усули: 1) эркин (ностандарт); 2) ярим формал (яримстандарт); 3) формал (стандарт) интервьюларга бўлиниши тадқиқ этилди.

Диссертацияда «Матбуот – шахс – жамият – давлат» ўзаро муносабатларининг ривожланиши ҳақида жамоатчилик фикри социологик таҳлил этилди. Ахборотлашган жамиятда веб-сайт ОАВ тури сифатида ахборот тарқатиши муҳим аҳамият касб этади. Респондентларнинг электрон манба-



ларга мурожаатини аниқлаш мақсадида «Мамлакатимизда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни кўпроқ қайси матбуот сайтлари орқали кузатиб борасиз?» деган савол берилди. Сўров шуни кўрсатдики, респондентларнинг 46,5%и ахборотни сайтлардан (шундан 25,7% ўзбек сайтлари ва 20,8% хорижий сайтлар) олиши аниқланди.

Бугунги кунда Интернет нафақат янгилик ва маълумотлар олиш имкони, балки кишиларнинг ўзаро ва бевосита (on-line) ижтимоий мулоқот манбаига айланиб улгурди. Айниқса, бунда ёшларнинг ўзига хос ёндашуви ва фаол муносабати мавжудлиги эътиборга молик. Шу боис таҳлилимизми янада чуқурлаштириш мақсадида респондентларга «Ижтимоий тармоқлардан қанчалик тез-тез фойдаланасиз?» деган савол билан мурожаат қилдик. 61,3% респондент ўз муносабатини билдириб, уларнинг жавобларидан хорижий сайтлардан 14,7% фойдаланиши аниқланди. Хусусан, 38% респондент «Доимий равишда фойдаланаман» деб қайд этган, 23,3% респондент «Камдан-кам фойдаланаман» деб маълум қилган. 30,3% респондент «Йўқ, ижтимоий тармоқлардан фойдаланмайман» деб жавоб қайтарган. Сўров бугунги кунда ёшларнинг Интернетдан фойдаланиши сустиги ёки ундан фойдаланаётганлар кўпроқ доимий тарзда маълумотни хорижий сайтлардан олаётгани аниқланди.

Тадқиқотимизда ахборотлашган жамиятда ОАВ ролини ошириш ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий омилларга бевосита боғлиқлигини инобатга олиб, респондентларга «Жамиятда матбуотнинг ўрнини оширишда қайси омиллар муҳим аҳамият касб этади?» деган савол берилди. Олинган маълумотларга кўра, сўровда қатнашганларнинг 29,7%и ва мутахассис-респондентларнинг 35%и, «Ҳуқуқий омил сифатида соҳага доир қонунлар ва қонуности ҳужжатларни қабул қилиш» муҳим деб қайд этган бўлса, 18,6% респондент ва 27% мутахассис-респондентлар «Иқтисодий омил сифатида таҳририят ўз мустақиллигини таъминлаши» зарур деган фикрни билдирган. Шундай қилиб, қиёсий таҳлил натижаларига кўра, респондент ва мутахассис-респондентлар ахборотлашган жамиятда долзарб ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни айнан ОАВ орқали ечиш муҳимлиги ҳамда бу жараёнда шахснинг фуқаролик жавобгарлиги ва ҳуқуқий маданияти даражасини кўтариш зарурлигини таъкидлаган.

Тадқиқот натижасига кўра, бугунги кунда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида ахборот муҳим омилга айланганини респондентларнинг кўпчилиги (72,7%) қайд этиб, уларнинг аксарияти (84,6%) бу соҳада амалга оширилаётган ислохотлардан мамнунлигини таъкидлаган. Бироқ бу ҳали етарли эмас. Чунки жамоатчилик фикри мониторингини таъминлашда «матбуот – шахс – жамият – давлат» ўзаро муносабатлари самарадорлиги ОАВнинг фаоллиги ёки сустигига бевосита ва билвосита боғлиқдир.

## ХУЛОСА

«Ахборотлашган жамиятда жамоатчилик фикри мониторингини таъминлашда оммавий коммуникациялар социологиясининг ўрни

(Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларининг 2001 – 2016 йиллардаги материаллари мисолида)» мавзусидаги докторлик диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар ва ўтказилган сўровлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. XXI аср инсоният тарихига ахборот технологияларининг тантанаси сифатида кириб келди. Ахборотлашган жамиятда оммавий коммуникацияларнинг имкониятлари мисли кўрилмаган даражада ошиши унинг нафақат индивид ҳаётида, балки умумжамият тараққиётидаги юксак мавқеини таъминлади. «Ахборот асри» деб ном олган янги асрда давлат ва жамият ривожланишида, халқнинг истиқболини белгилаш жараёнида ОАВнинг ўрни янада ортади. Ахборот оқими кишиларнинг онги ва тафаккурини эгаллаш учун кураш шароитида ҳозирги замонда жамоатчилик фикрини шакллантириш ва унинг мониторингини таъминлашда оммавий коммуникациялар роли мутаносиб равишда ривожланиб бораверади.

2. Ўзбекистон ОАВни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган туб ислохотлар натижасида жамоатчилик фикрида ижобий ўзгаришлар юз берди. Аҳолининг ижтимоий фаоллиги ошганлиги феноменини оммавий коммуникациялар социологияси нуқтаи назаридан ўрганиш уни баҳолашга имкон яратди.

3. Оммавий коммуникациялар социологиясини тадқиқ этишда «Матбуотнинг 4Т назарияси» моделига тизимли ёндашув зарурлиги ўз исботини топди. Ўзбекистон ОАВ тадрижий ривожланишининг 121 йили «Термитлашган матбуот» мустамлака даврида кечди. Шунини таъкидлаш керакки, собиқ тузум «Термитлашган матбуот»да ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаёт ҳаққоний ёритилмай, жамоатчилик фикри чалғитилиб, мустамлака халқ тоталитар ғоя асосида бошқарилган.

4. Ўзбекистон давлат мустақиллиги туфайли «Термитлашган матбуот назарияси» моделидан «Трибониклашган матбуот назарияси» моделига ўтиш амалга оширилди ва объектив қийинчиликлар аста-секинлик билан бартараф этилди. Матбуот ижтимоий ҳаётнинг муҳим соҳаларидан бирига айланди. Жамоатчилик фикрини мониторинг қилиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, респондентларнинг «Кўпроқ халқнинг ичига кириб, ҳақиқатни очик ёритиш лозим», «Журналистика соҳасида соф ўзбек тилидан фойдаланилмаяпти», «Маълумотларни тез ва сифатли етказиш бўйича фаолият жуда суст», «Мавзулар мазмуни кўпинча бир хил», «Эълон қилинган материалларда шоу-бизнес оламига бошқа соҳаларга қараганда эътибор кучли» каби билдирилган ҳаққоний эътирозлар сақланиб қолаётгани, уларни ахборотлашган асрнинг замонавий реалликларига мослашуви заифлиги бугунги ОАВнинг камчиликларини кўрсатди.

5. Матбуотнинг янги III тараққиёт даври – ахборотлашган жамиятда «Трансформациялашган матбуот» Ўзбекистон ОАВ такомиллашуви орқали намоён бўлмоқда. Журналистика демократик институт сифатида ривожланимоқда, тараққиётнинг «Ўзбек модели»га асосланган ахборот соҳасидаги туб ислохотлар, энг аввало, ўзини жамият хизматига бағишлаган комил инсонни шакллантиришга йўналтирилганлиги билан характерланади.

6. Айрим ОАВда сақланиб қолган салбий ҳолат сифатида «Таназиялашган матбуот»нинг баъзи элементлари аниқланди. Жумладан, «оммавий маданият»нинг тарқалишига хизмат қилувчи материалларнинг олдини олиш учун сўровда иштирок этган кўпчилик респондентлар (48,3%) ва мутахассис-респондентларнинг катта қисми (62%) ахборот соҳасида ҳуқуқий ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш мақсадга мувофиқлигини белгилади.

7. Оммавий коммуникациялар социологиясининг 8 та категорияси (таҳририят – объект – мезонлар – принциплар – функциялар – социологик усуллар – жанрлар – аудитория) орасидаги ўзаро қайтма алоқалари цикл шаклида тизимли тадқиқ этилди. Социожурналистикада категориялар сифатида 6 та мезон (профессионаллик; мустақиллик; иқтисодий эркинлик; ижтимоий адолат; тезкорлик; холислик) ишлаб чиқилди. Материалларнинг ушбу мезонлар асосида ёритилиши ахборотлашган жамиятда давлат, нодавлат ва хусусий ОАВни тизимли тадқиқ этиш имконини беради.

8. ОАВ фаолиятининг самарали бўлиши, унинг жамоатчилик фикрига таъсир қилиши учун тадқиқотда социожурналистиканинг 14 та принципи таҳлил қилинди. Бу тамойилларнинг амалиётга жорий этилиши «Трансформациялашган матбуот»да «матбуот – шахс – жамият – давлат» ўртасида ўзаро қайтма алоқалар фаоллигини таъминлаб, таҳририятга нисбатан ишончни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

9. Жамоатчилик фикри мониторингини таъминлашда ОКВнинг 9 та функцияси ишлаб чиқилган ва тизимли тадқиқ этилган. Улар «Трансформациялашган матбуот»да фикрлар хилма-хиллигига эришиш, ижтимоий долзарб масалаларни холис ёритишда жамоатчилик назорати ўрнатилишига хизмат қилади.

10. Тадқиқотда ахборотлашган жамиятда журналистиканинг демократик институт сифатида самарали фаолият юритишини таъминлайдиган «Журналист мониторинги» жанрини амалиётга киритиш зарурлиги асослаб берилган.

11. Тадқиқот натижасида «Жамоатчилик фикри мониторингини таъминлашда ОАВни баҳолаш тартиби» ишлаб чиқилган. Бу тизим таҳририятларда маркетинг ва менежмент хизматларини самарали жорий этиб, ахборотлашган жамиятда ОАВнинг ўрнини рейтинг орқали аниқлаш ва соғлом рақобат муҳитини шакллантиришга ёрдам беради.

12. Ахборот соҳасидаги ҳуқуқий маданиятни юксалтириш учун амалдаги қонунчиликни янада такомиллаштириш мақсадида «Ўзбекистон Республикасининг оммавий коммуникациялар воситалари кодекси»ни тайёрлаш ва қабул қилиш зарур ҳисобланади. Ушбу кодекс мамлакатимиз ОАВни янги поғонага кўтариб, унинг янада тараққиётини таъминлашга хизмат қилади.

13. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурида журналистларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакиллик институти сифатида Ўзбекистон Оммавий коммуникациялар воситалари мониторинги кенгашини тузиш зарур. Ушбу тузилма журналист-социолог (социожурналист) фаолияти, таҳририят ва жамоатчиликнинг қонуний

манфаатларини ҳимоялашга хизмат қилади.

14. Ўзбекистон Республикаси олий таълими йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторига магистратурада журналист-социолог (социожурналист) мутахассислиги, ўқув режасига эса «Оммавий коммуникациялар социологияси», «Матбуот социологияси тарихи» «Социолингвистика», «Социожурналистика» каби фанлар киритилса, журналист ва социолог кадрларни ихтисослаштиришга имконият яратилган бўлар эди.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА  
DSc.27.06.2017.F.01.05 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

---

**НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА**

**АБДУАЗИМОВ ОКИЛЖОН УТКУРОВИЧ**

**РОЛЬ СОЦИОЛОГИИ МАССОВЫХ КОММУНИКАЦИЙ  
В ОБЕСПЕЧЕНИИ МОНИТОРИНГА ОБЩЕСТВЕННОГО  
МНЕНИЯ В ИНФОРМАЦИОННОМ ОБЩЕСТВЕ  
(на примере материалов средств массовой информации  
Узбекистана 2001 – 2016 гг.)**

**10.00.09 – Журналистика**

**АВТОРЕФЕРАТ ДОКТОРСКОЙ (DSc) ДИССЕРТАЦИИ  
ПО СОЦИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2017**

**Тема докторской диссертации (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №B2017.1DSc/Sots1.**

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана.

Автореферат диссертации на трех языках [узбекский, русский, английский (резюме)] размещен на веб-странице Научного совета по адресу [ik-falsafa@nuu.uz](mailto:ik-falsafa@nuu.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу [www.ziyo.net.uz](http://www.ziyo.net.uz).

**Научный консультант:** **Бекмуродов Мансур Бобомуродович**  
доктор социологических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Саидов Акмал Холматович**  
доктор юридических наук, профессор

**Умаров Абсалом Адилевич**  
доктор социологических наук, профессор

**Худойкулов Мухтор**  
доктор филологических наук

**Ведущая организация:** **Самаркандский государственный университет**

Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2017 года в \_\_\_\_ часов на заседании разового Научного совета на основе научного совета DSc.27.06.2017.F.01.05 по присуждению ученых степеней при Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100174, г. Ташкент, Университетская улица, дом 4. Здание факультета социальных наук Национального университета Узбекистана, 1 этаж, кабинет 117. Тел.: (99871) 227-12-24, факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24; e-mail: [nauka@nu.uz](mailto:nauka@nu.uz)).

С докторской диссертацией (Doctor of Science) можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирована за № \_\_\_\_). Адрес: 100174, г. Ташкент, Университетская улица, дом 4. Административное здание Национального университета Узбекистана, 2 этаж, 4-й кабинет. Тел.: (99871) 236-46-55, факс: (99871) 246-02-04.

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2017 года.  
(реестр протокола рассылки №\_\_ от «\_\_» \_\_\_\_\_ 2017 года.)

**М.А.Нурматова,**  
Председатель разового научного совета на основе  
Научного совета по присуждению ученых  
степеней, д.ф.н., профессор

**О.Д.Нишанова,**  
Учёный секретарь разового научного совета на основе  
Научного совета по присуждению ученых степеней, д.ф.н.

**А.А.Умаров,**  
Председатель научного семинара при разовом  
научном совете на основе Научного совета по  
присуждению ученых степеней, д.соц.н, профессор.

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской (DSc) диссертации)

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В XXI веке с переходом человечества в новую эпоху, обозначаемую информационным обществом, в мире всё более углубляется процесс глобализации, всё больше возрастает спрос к сфере информации. Расширение безграничного взаимообмена информацией при состоянии интенсивности и углубления общественно-культурной интеграции, охрана общественности от подстрекательских идей и разрушительных идеологий превращается в одну из актуальных проблем. В развитых странах мира системное изучение влияния средств массовой информации (СМИ) в формировании общественного мнения, превратилось в одну из актуальных задач. В связи с этим, всё больше возрастает потребность в социологическом изучении теоретических направлений, относящихся СМИ, классификации её категорий и атрибутов, обеспечение мониторинга общественного мнения.

В результате обретения независимости страны поэтапно развивается СМИ. В статье 67 Конституции Республики Узбекистан указано, что «Средства массовой информации свободны и действуют в соответствии с законом. Они несут в установленном порядке ответственность за достоверность информации. Цензура не допускается»<sup>1</sup>. В сфере информации государством были проведены последовательные реформы, обеспечивающие эволюционное развитие СМИ на основе международных требований. Если в 1991 году в Узбекистане осуществили свою деятельность 395 СМИ, то в годы независимости их число достигло 1417 (688 газет, 294 журналов, 15 бюллетеней, 35 ТВ, 66 радио, 315 веб-сайтов, 4 информационных агентств). То есть с 1991 года наблюдается рост в 3,6 раза численности СМИ и динамика развития редакций<sup>2</sup>. По имеющимся данным, если в 1995 году среди населения мира число пользователей Интернетом насчитывало 16 миллионов (0,4%), то в настоящее время их число превысило 3 млрд. 611 миллионов (49,2%)<sup>3</sup>. На сегодняшний день Узбекистан по использованию Интернет занимает 11-ое место среди 35-ти стран Азии, 1-ое место<sup>4</sup> в Центральной Азии, 37-ое место<sup>5</sup> среди более двухсот стран мира. В условиях, когда «повышение качества и эффективности государственных услуг, практическая реализация механизмов общественного контроля, усиление роли институтов гражданского общества и средств массовой информации»<sup>6</sup> провозглашены приоритетными направлениями развития страны, системное теоретико-эмпирическое исследование массовых коммуникаций в обеспечении мониторинга общественного мнения в информационном обществе приобретает научную и практическую актуальность.

<sup>1</sup> Конституция Республики Узбекистан. –Ташкент: Ўзбекистон, 2016. – С. 22.

<sup>2</sup> Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги расмий сайти маълумоти: [www.uzapi.gov.uz](http://www.uzapi.gov.uz)

<sup>3</sup> <http://www.internetworldstats.com/emarketing.htm>

<sup>4</sup> <http://www.internetworldstats.com/stats3.htm>

<sup>5</sup> [http://index.uz/2016/07/26/uzbekistan\\_zanimaet\\_37\\_mesto\\_v\\_mire\\_po\\_chislu\\_internet\\_polzovateley](http://index.uz/2016/07/26/uzbekistan_zanimaet_37_mesto_v_mire_po_chislu_internet_polzovateley)

<sup>6</sup> Указ Президента Республики Узбекистан «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан». Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017 г., № 6, ст. 70.

В конце XX века Комиссией Европейского союза была разработана программы: «Европейский путь построения информационного общества» (1994 г.), «Финляндский путь к информационному обществу» (1995 г.), «Развитие Германии к информационному обществу» (1996 г.). 22 июля 2000 года на встрече «Большой восьмерки» в Окинаве была принята «Хартия глобального информационного общества» и признана на Саммите тысячелетия в ООН в том же году. После этого началось теоретическое изучение проблемы информационного общества ЮНЕСКО<sup>1</sup>.

Данная диссертация в определённой степени служит осуществлению задач, намеченных в Указах Президента Республики Узбекистан УП-3080 «О развитии компьютеризации и внедрении информационно-коммуникационных технологий» от 30 мая 2002 года, УП-3103 «О совершенствовании управления в сфере печати и информации» от 3 июля 2002 года, в Законе Республики Узбекистан от 5 мая 2014 года «Об открытости деятельности органов государственной власти и управления», УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 г., а также других нормативно-правовых документов, относящихся к теме.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Диссертация выполнено в соответствии приоритетным направлением государственной научно-технической программы развития науки и технологий республики I. «Духовно-нравственное культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

**Обзор международных научных исследований по теме диссертации<sup>2</sup>.** Научные исследования направленные на обеспечения мониторинга общественного мнения в информационном обществе проводятся в ведущих научных центрах и учебных заведениях мира, в частности University of Illinois (США), Institut of Gallup (США), Canadian Communication Association (Канада), Media, Communications and Cultural Studies Association (Англия), Institute für Demoskopie Allensbach (Германия), Всероссийский центр изучения общественного мнения (Россия), University of Yomiuri (Япония).

В результате проведенных исследований, в том числе в изучении общественного мнения, в которых было обращено особое внимание на активность и влияние СМИ, получены следующие научные результаты: были разработаны четыре теории прессы относящиеся к массовым коммуникациям (University of Illinois, США); при изучении общественного мнения, разработана модифицированная форма опросника исследования

---

<sup>1</sup> Состояние исследований по проблем информационного общества. –СПб., ЮНЕСКО. 2004; Наука в информационном обществе. –М., ЮНЕСКО. 2004; Мониторинг информационного общества и обществ знаний. –СПб., ЮНЕСКО. 2004; Этика и права человека в информационном обществе. –М., ЮНЕСКО. 2007; Всемирный саммит по информационному обществу. –М., ЮНЕСКО. 2007.

<sup>2</sup><http://knigi.link>; <http://www.intercultural.ru/component/content/article/1-cat1/15-associations>; <http://www.meccsa.org.uk>; <http://emigration.russie.ru/information/sociallife/massmediaandpublicopinion.htm>; <http://www.lomonosov-fund.ru/enc/ru/encyclopedia>; <http://emag.iis.ru/arc/infosoc/emag.nsf>; <http://msk.treko.ru/show dict 471>.



человеческого фактора в процессе предвыборной агитаций (Institut of Gallup, США); разработан механизм, относящийся к повышению качества журналистики, массовых коммуникаций других коммуникативных процессов (Canadian Communication Association, Канада); созданы различные способы изучения общественного мнения посредством СМИ, Интернет и других коммуникаций в культурных связях (Media, Communications and Cultural Studies Association, Англия); раскрыты особенности эффективного влияния через аудиторию СМИ медиа, маркетинговых и социальных исследований (Institut fur demoscopie Allensbach, Германия); совершенствован методологический подход к повышению роли СМИ в формировании общественного мнения, укрепление их обратной взаимосвязи (ВЦИОМ, Россия); обосновано, что в информационном обществе технология и знание являются первичным средством обеспечения мониторинга общественного мнения (University of Yomiuri, Япония).

Для обеспечения мониторинга общественного мнения в информационном обществе в мировой науке проводятся научные исследования в таких приоритетных направлениях, как: раскрытие генезиса, процессов эволюции и трансформации массовых коммуникаций; изучение обратной связи СМИ с общественностью и расширение этой взаимосвязи; изучение формирования общественного мнения, в диалектической взаимосвязи с его функциями и проблемами в совершенствовании общественного контроля; сочетание национальных и общечеловеческих факторов культурной глобализации.

**Степень изученности проблемы.** В произведениях великих мыслителей нашего народа Мухаммада ал-Хорезми, Абу Наср Фароби, Абу Райхан Беруни, Абу Али ибн Сины, Алишера Навои и других учёных, уделено особое внимание вопросам формирования общественного мнения в государственном и общественном управлении через использование различных, свойственных тому времени социальных коммуникаций, а также позитивных сторон изучения мнения народа.

